2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 5-YANVAR, PAYSHANBA, 2 (7931) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Янги йилнинг илк кунларидан Самарқанд шаҳридаги икки йўналишда қўшимча ўн олтита янги автобус қатнови йўлга қўйилди. Пастдарғом туманидаги «Тоҳир-Р» хусусий корхонаси томонидан йўналишларга қўйилган, Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган мазкур автобуслар «Капиталбанк» ва «Ҳамкорбанк»нинг вилоят филиаллари томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига харид қилинди.

▶ **Жиззах туманининг «Олмачи» маҳалласида Аёллар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази иш бошлади. Жиззах вилоятидаги «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур жамоат бирлашмаси қишлоқдаги ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар вакилларини бизнес ва тадбиркорлик соҳасига жалб этиш борасида фаолият олиб боради.**

▶ Томди туманининг янги маркази – Томдибулоқ қўрғонида замонавий шифохона мажмуасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Томдибулоқ қўрғонидаги шифохона қурилишини Нуротадаги «Хит тренинг» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари амалга оширмоқда. Ҳозиргача улар томонидан 3,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, шифохонанинг жарроҳлик, болалар, ички касалликлар, шошилинч тиббий хизмат, ташхис-таҳлил лабораториялари тўлиқ фойдаланишга топширилди.



# ЁШ СПОРТЧИЛАР МАКТАБИ

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, иқтидорли спортчилар сафини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Наманган шаҳридаги Олий спорт маҳорати мактабида 270 дан зиёд ўғил-қиз спортнинг бокс, дзю-до, эркин кураш, юнон-рум кураши, кураш, белбоғли кураш, оғир атлетика ҳамда волейбол турлари бўйича мунтазам шуғулланмоқда. 28 нафар малакали мураббий мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

**СУРАТДА:** *спортчи Абдуғани Ғафуров.*

**Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## САҲИФАЛАРДА:



ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ 2

ОРЗУ ҚУШДИР, ИРОДА МАДАД



3



БАЛИҚНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ 8

# ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

**Мамлакатимизда жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинишида теран мазмун бор. Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таклиф этган бу эзгу ташаббуслари халқимиз томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Негаки, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизни улкан бир иморатга қиёс қилгудек бўлсак, шубҳасиз, унинг мустаҳкам пойдеворини аҳил оилалар ташкил этади.**



Дунёда қудратли кучга эга давлатлар кўп. Аммо уларнинг айримларидаги ижтимоий ҳаётга ҳавас қилиб бўлмайди. Одамлардаги ҳаё-андиша, уят, ғурур, садоқат, собитлик каби туйғуларнинг йўқолиб бораётганини илғаш қийин эмас. Яширишга на ҳожат, бундай ҳолатларнинг бош сабаби, аввало, оилалардаги муносабатларнинг кескинлашуви, ахлоқ-одоб меъёрларининг бузилаётгани, арзимас баҳоналарни рўкач қилиб, ажралишларнинг йил сайин кўпайиб бораётгани, мўътабар қўрғон — оилага муқаддас даргоҳ деб қарамаслик ва ўзаро меҳр-муҳаббатга ишончсизликдир.

Бизда эса тамомила бошқача. Шуни фахрланиб айтиш ўринлики, йигирма йиллик мустақиллигимиз давомида юртимизда ўртача умр кўриш даражаси ўсди, аҳоли сезиларли даражада кўпайди. Чунончи, аёлларнинг ўртача умри 75, эркакларники 73 ёшни ташкил қилаётгани нафақат бизни қувонтирмоқда, балки кўпгина хорижликларнинг ҳавасини ҳам уйғотмоқда.

Бу бежиз эмас. Президентимиз томонидан илгари сурилган беш тамойилга асосланган тараққиёт йўлимиз – Ўзбек модели бугунги кунда ўзини оқламоқда. Аниқ белгиланган мақсадлар сари шахдам одимлаётган Ўзбекистонимиз наинки жадал ривожланиб бораётир, балки аҳоли фаровонлиги кун сайин ошиб бормоқда. Қайси соҳани олиб кўрманг, ҳайратингизни ошираётган рақам ва далилларга дуч келасиз. Тарихан қисқа даврда эришилган улкан муваффақиятлар, инсон манфаатини ифода этувчи чинакам ислоҳотлар ҳар биримизнинг мамлакат равнақи йўлидаги фидойилигимиз самарасидир.

Бугунги шитобли замоннинг талаблари ўзгача. Ҳали давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш вазифаларини ўртага ташламоқда. Бу йўналишда ҳам бизнинг ўз йўлимиз борлиги кишида фахрланиш ҳиссини уйғотади. Энг муҳими, ёрқин келажагини тасаввур этиб, фидойиларча меҳнат қилишни биладиган азамат халқимиз ўз аҳдида қатъий.

Музаффарона одимларимизнинг замирида ҳар бир заҳматкаш одамнинг, ҳар бир фуқаронинг машаққатли меҳнати мужассамдир. Халқимизни улуғвор мақсадларга етаклаётган доно Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг оқилона йўл тутишлари буюк келажак сари дадил қадам ташлашимизда муҳим омил бўлмоқда.

***"...тасаввур этишнинг ўзи қийин бўлган бундай юксак марраларимизнинг пойдевори,*** — дейилади Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригида, — ***энг катта бойлигимиз бўлмиш — юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айланаётганини унутмаслигимиз даркор."***

Биз эзгу даъватларга доимо ҳозиржавобмиз. Шу фазилат ила қудратлимиз. Жамият ривожини таъминлашга қурбимиз етади. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Ёшлар эса бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган ватанпарварлик тарбиясини дастлаб оилада олади. "Қуш уясида кўрганини қилади", "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган гаплар бекорга айтилмаган.

Маълумотларга қараганда, қишлоқларимизда 2011 йилнинг ўзидаёқ 7 минг 400 та оила умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метр бўлган, ҳар томонлама қулай, замонавий талабларга жавоб берадиган уй-жойларга эга бўлишган. Жорий йил давомида эса 8 минг 510 та оила шаҳар шароитидан ҳеч кам бўлмаган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда. Бу рақамлар замирида улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари ётибди! Ҳар бир фуқаронинг миллати, диний эътиқоди ва келиб чиқишидан қатъи назар, давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳис қилиб яшаши – нақадар бахт, юксак қадрият!

Янги йилнинг муҳим тамойилларидан бири шуки, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар кутиляпти. Жорий йилга "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилишида ҳам рамзий маъно бор. ***"Бунинг негизида***, — дейилади Президентимизнинг Янги йил табригида, — ***оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, мухтасар айтганда, оила фаровонлигини ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз."***

Демакки, мустаҳкам оила – юксак жамият, юксак жамият – қудратли давлат дегани. Биз бу йўлда ҳар қачонгидек собитмиз!

**Муродулла ҒАФУРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

**Наманган вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан вилоят ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Наманган санъат коллежи ҳамкорлигида А.Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театрида Мустаҳкам оила йилига бағишланган "Сеҳрли оҳанглар" Академик концерт дастури бўлиб ўтди.**

## СЕҲРЛИ ОҲАНГЛАР

*Мустаҳкам оила йилига бағишланди*

Концерт дастури икки қисмдан иборат бўлиб, унда умумжаҳон ҳамда миллий санъатимизнинг мумтоз дурдона асарлари жонли тарзда ижро этилди. Концерт дастури Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон сўзи, бастакор Дилором Омонуллаева мусиқаси билан ижро этиладиган "Сен менинг Ватанимсан" хори билан бошланди. Уни хор жамоаларининг республика танлови ғолиби — Наманган санъат коллежи ўқувчилари ижро этдилар. Моцартнинг "Рондо", Вивальдининг "Қиш" мусиқалари, Пуччинининг "Джани Скики" операсидан "Лауретто арияси" каби жаҳон санъати дурдона асарлари тингловчилар томонидан олқишланди.

Шунингдек, ўзбек миллий санъатининг умрбоқий асарларидан бўлмиш Сулаймон Юдаковнинг "Фарғонача рақс", Дони Зокировнинг "Байрам марши" мусиқалари, Ботир Зокиров репертуаридаги "Раъно" қўшиғи ва бошқа бир қатор куй-қўшиқлар тингловчилар қалбига байрамона руҳ олиб кирди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**ЯНГИ ЙИЛ ЎЙЛАРИ**

Хоразм Вилояти

# ИШИМИЗДАГИ УНУМ — МУНОСИБ РАҒБАТДАН

**Ўтган — 2011 йил менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан муҳтарам Президентимизнинг Фармонларига биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор" фахрий унвонига мушарраф бўлдим. Камтарона қилган меҳнатинг мамлакат миқёсида эътироф этилса, юксак мукофотга лойиқ кўрилса, кишига бундан-да ортиқ бахт бўлмаса керак. Юртбошимиз қўлидан мукофотни олар эканман, бутун борлиғимни ҳаяжон эгаллади, кўз ўнгимдан далада кечган онларим бир-бир ўтди.**

Истиқлолнинг илк йиллари эди ўшанда... Ширкат хўжалиги раҳбарлари мени — оддий бир механизатор йигитни Амударё бўйларида янги ўзлаштирилган майдонларга бошлиқ қилиб тайинлашди, экинлар парвариши, ҳосил тақдирини ишонишди. Яшаш жойимиздан 15-20 километр узоқликда жойлашган бўлимга ишчилар билан ҳар куни қатнаймиз. Овқатланиш, дам олиш учун оддийгина шароит ҳам йўқ эди. Йиллар давомида қўриқ ерларга меҳнатимиз сингди — еримиз унумдор далаларга айланди. Шу боис бўлса керак, бу ерларнинг ҳар бир қаричи, унда бўй чўзган ҳар бир гиёҳ қалбимга яқин. Қаерда бўлсам ҳам ўша қадрдон далаларга ошиқаман. Бу каби туйғулар мени фермер бўлишга ундади.

2000 йилда 10 гектар майдон ажратиб олиб, "Фаррух" фермер хўжалигини ташкил қилдик. 2 йил ўтгач, яна 30 гектар ер қўшдик. Пахта, ғаллачилик йўналиши бўйича ташкил қилинган хўжалигимиз ўша йиллардаёқ мўл ҳосил етиштиришда воҳада олдингилар сафидан ўрин олди. 2008 йилга келиб 140 гектар майдонда деҳқончилик қилган бўлсак, орадан 2 йил ўтиб экин майдонларимиз 226 гектарга етди.

Якунланган йил жамоамиз учун янада омадли келди. Мавжуд экин майдонимизнинг 140 гектаридаги пахтадан 600 тоннадан зиёд хомашё йиғиштириб олдик. Шунинг 230 тоннаси уруғлик учун қабул қилинди. Ғалла, сабзавот, полиз экинларидан кўзланганидан мўл ҳосил олинди.

Энди келгуси режалар ҳақида гапирадиган бўлсак, иқтисодимиз йилдан-йилга бақувватлашиб бормоқда. Ёрдамчи тармоқ сифатида ташкил қилинган фермамизда 45 бош қорамол, 100 бошга яқин қўй-эчки, 300 дан зиёд товуқ боқяпмиз. Ҳар йили ўнлаб гектар майдонларда полиз ва сабзавот экинлари ўстирамиз. Биринчи галда гўшт ва сутни қайта ишловчи, кейинчалик эса мева ва сабзавотларни консервалаб, бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлашга, хорижбоп маҳсулотлар тайёрлашга киришмоқчимиз.

Якунланган йилдаги муваффақиятларимизни 2012 йилда янада мустаҳкамлаш мақсадида қишки дала ишларини режа асосида давом эттирмоқдамиз. Илоҳим, 2012 йил барча соҳалар учун, хусусан, деҳқончилик учун қулай келсин, сув мўл, дарёларимиз тўлиб-тошсин! Мамлакатимиз иқтисодиёти янада яхшиланиб, ҳаётимиз фаровон, оилалар мустаҳкам бўлсин!

**Бахтиёр МАДРАИМОВ,**
**Урганч туманидаги "Фаррух" фермер хўжалиги раҳбари.**

Жиззах вилояти

ТАДБИРКОРЛИК

# ОРЗУ ҚУШДИР, ИРОДА МАДАД

**Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинган кунларда Пахтакор туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Акбар Муродов ўз тасарруфидаги ошхона-чойхона учун дудланган гўшт, балиқ сингари озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш мумкин бўлган асбоб-ускуналар ва эски бўлса-да, бирор бино ахтараётган эди. Юртбошимиз қарорини ўқигач, гўёки ичида чироқ ёнгандай, кўнгли ёришиб кетди. «Дарвоқе, ўчоқ-ўтин, дудлаш дастгоҳлари излаб юраманми? — деб ўйлади у. — Мана қўлланма-ю, мана йўлланма! Бирйўла гўштни қайта ишлайдиган мини корхона қураман-да, колбаса ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқараман. Битта дудлаш ўчоғи ўрнатсам, зарур ноз-неъматлар ҳам етарли бўлади».**



Шу тариқа Акбаржон қачонлардир сутни қайта ишлайдиган корхона бўлиб, кейинчалик дастгоҳ-ускуналари эскиргани, бинонинг ўзи ҳам фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолгани учун ташлаб кетилган туман маркази яқинидаги эски иншоотни, аниқроғи, тўрт девору пастак плиталар билан ўралган «ҳовли»ни эгаллади. Яхшиямки, акаси Алижон ва қариндошларининг оз-моз жамғармалари бор экан, биргалашиб, муштни бир жойга урадиган бўлишди. Четдан маблағ жалб этилмагани, қурилиш-смета ҳужжатларини расмийлаштириш бироз чўзилгани боис, қурилишни тугаллаш вақти чўзилса-да, бинони пухта лойиҳа асосидаги замонавий корхонага айлантиришди.

— Энди технология топишимиз керак, — деди шунда Акбаржон. — Шундайини топайликки, қимматроқ бўлса-да, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарайлик ва эртага ишимиз тўхтаб қолмасин.

Шу мақсад билан Акбаржон Тошкентга борди. Омад йўлининг очилганини қарангки, пойтахтда Юртбошимиз ташаббуси билан хорижий компания ва фирмаларнинг йирик саноат ярмаркаси ўтказилаётган экан. Тадбиркор йигит кўргазма қаторларини эринмай айланиб, уларга қўйилган ҳар бир дастгоҳ ва ускуна қўлланмасини қунт билан ўқиб чиқа бошлади, йўл-йўлакай ҳар бир компания ёки фирманинг кўргазмадаги вакили билан суҳбатлашишни ҳам унутмади. Хуллас, кўрганлари орасида Австрия давлатидан келтирилган ва кунига 3-3,2 тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга дастгоҳлар мажмуаси маъқул бўлди. Шу ернинг ўзидаёқ фирма бошлиғининг шахсан ўзи билан шартнома имзолади.

Очиғи, бу ёғи қийин бўлмади. Ахир, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор кўрсатилаётган, уларнинг фаолият юритишлари учун қатор имтиёзлар яратилаётган бўлса, қандай қийинчилик бўлиши мумкин? Буларнинг устига давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Акбаржон бошлиқ орзумандлар ишларига янада кўтаринкилик бахш этди. "Агробанк"нинг туман бўлими 790 миллион сўм кредит ажратиб, тегишли ҳисобга ўтказиб берди.

Шундай қилиб, Пахтакор тумани марказида «Харидор барака» гўштни қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. Айни кунларда корхонада 20 нафардан зиёд ёшлар ишли бўлиб, улар кунига 2 тонна атрофида гўштни қайта ишламоқдалар. Дастлабки ишлаб чиқарила бошланган "Краковский", "Московский", "Пойтахт", "Докторский", "Индейка", "Саховат" сингари ўн турдан зиёд колбаса, уч хил сосиска ва сарделкалар туман, вилоят бозорлари ҳамда дўконларида анча харидоргир.

Ҳа, айтганча, Акбар Муродов туман марказидаги чойхона-ошхонаси учунгина эмас, умуман, аҳоли учун дудланган гўшт, колбаса, қази-қарта ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

— Келажакда балиқ ва парранда гўштларини дудлаш, Россия технологияси асосида улардан консервалар тайёрлаш ҳамда маҳсулотларимизни экспорт қилиш ниятимиз ҳам бор, — дейди тадбиркор. — Шу билан бирга, яна 20 нафар ёшларни иш билан таъминламоқчимиз. Халқимизда «Орзу қушдир, ирода мадад», деган яхши гап бор. Биз орзуларимиз ушалгунча мустаҳкам ирода билан изланиб, меҳнат қилаверамиз ва халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшамиз.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона вилояти

# ШАРТЛАШДИНГМИ, ЛАФЗИНГДА ТУР

***Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан тартибга солиб келинмоқда.***

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контрактация шартномасида белгиланган ассортимент ва турларда, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик тайёрловчи топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жарима миқдори ўтган давр (ой, чорак, йил)да маҳсулотнинг шаклланган ўртача нархидан келиб чиқиб, харид нархларига белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан ҳисоблаб чиқилади. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Амалиётда айрим фермер хўжаликлари томонидан контрактация шартномасида белгиланган миқдорда бошоқли дон, пахта ва пилла хомашёси етказиб берилмаслик ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Мисол учун, 2011 йилда "Фарғонадонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти ва Қўштепа тумани "Юнусали" фермер хўжалиги ўртасида давлат эҳтиёжи учун 107 тонна дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилганди. Шартномага асосан "Хўжалик" томонидан 81,9 тонна бошоқли дон етказиб берилиб, шартнома мажбурияти 25,1 тоннага бажарилмаган. Шунга кўра, Фарғона вилояти Адлия бошқармаси томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судига "Фарғонадонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти фойдасига Қўштепа тумани "Юнусали" фермер хўдалигидан етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида 1 844 000 сўм жарима ундириш юзасидан 2011 йил 18 июлда даъво аризаси киритилиб, суднинг 2011 йил 2 августдаги ҳал қилув қарорига асосан 1 200 000 сўм жарима ундирилди.

Контрактация шартномасига мувофиқ топширилган (юклаб жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда (хўжаликка тегишли суммаларни, белгиланган устамаларни ҳам қўшиб, ўз вақтида ҳисоблаб ўтказмаганлик, ҳисоб-китобларнинг акцепт шаклида эса тўлов топшириғи акцептини асоссиз тўлиқ ёки қисман рад этганда) тайёрлов ташкилоти хўжаликка тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридаги жаримани тўлайди. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари хўжаликка муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

Амалдаги талабларга кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини контрактация шартномасида белгиланган ассортимент, турлар ва муддатларда қабул қилиб олиш ва рад этилган ҳар бир ҳолат учун тайёрлов ташкилоти хўжаликка белгиланган устамалар тўлашни ҳисобга олмасдан шаклланган ўртача нархдан келиб чиқиб қабул қилинмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди, тез бузилувчи маҳсулот бўйича эса унинг тўлиқ қийматини тўлайди. Бундан ташқари, маҳсулотни қабул қилиш рад этилганлиги туфайли хўжалик кўрган зарарнинг жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Шунингдек, товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги учун айбдор томон бошқа томонга товар-транспорт ҳужжатини расмийлаштириш рад этилганлиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлигининг ҳар бир ҳолати учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тўлайди. Юклаб жўнатилган товарларга тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатининг нусхаси белгиланган муддатда юборилмаганлиги ёки товарлар юклаб жўнатилганлиги тўғрисида бошқа ахборот тақдим этилмаганлиги учун айбдор томон ҳар бир ҳолат учун товар қийматининг бир фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қонунчилигимизда тайёрлов ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар сифати, миқдори нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари маҳсулот ҳамда кўрсатилган хизматлар сифатини, шунингдек, уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиладилар, ушбу ҳисобланган суммадан ташқари хўжаликка нотўғри ҳисобланган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайдилар. Маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилишда тайёрловчи томонидан ортиқча олинган пул суммалари қайтариб берилмаган тақдирда (айни бир маҳсулотнинг ўзига такроран ҳақ тўланганда, маҳсулот нархи нотўғри қўлланилганда, товарсиз тўлов талабномасига ҳақ тўланганда ва бошқаларда) тайёрловчи ушбу суммани қайтаради ва бошқа томонга ушбу пул маблағларидан фойдаланилган бутун вақт учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдорида ортиқча олинган сумма учун жарима тўлайди.

Шунингдек, агар юклаб жўнатилган маҳсулот (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар)нинг сифати, ассортименти, нави стандарт талабларга, техник шартларга, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Юқоридагиларга асосан шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш хўжалик юритувчи субъектларни ортиқча харажатлар юзага келиши ҳамда бизнес учун энг муҳим сифатлардан саналган ишончдан маҳрум этилишига олиб келмайди.

**Абдуваққос ЯҚУБОВ,**
**Фарғона вилояти Адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.**

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ТАРИХИДАН

# КОРИЗҚУДУҚ

Жиззахда шундай гўша бор: тарихи юз йилга туташ, маданий қиёфасини ҳали ҳамон сақлаб келаётган Коризқудуқ...

Қишлоқни айланар эканман, ундаги чанг йўлларда чиллак ўйнаётган болалар, сувга тўп-тўп бўлиб чиққан жамалаксоч қизлар, юзларида самимийлик чизгилари мужассам аёллару тилидан дуо тушмайдиган мўйсафид отахонларга нисбатан меҳрим жўшди. Уларни кузатаётиб, кўз олдимдан болалик йилларим ўтган жонажон уйим ва тоғ ёнбағридаги мен ҳар сафар ўйнайдиган боғ ўтди. Қишлоқ одамлари... гўё уларнинг муштдеккина юрагига дунёдаги барча эзгуликлар жойлашиб олгандек.

Қадимда Бухородан чиққан савдо карвонлари Ғўбдун ва Қўйтош тоғлари ўртасидан Шарққа томон йўл олган. Ҳозирги Култўп қишлоғининг шарқий тарафидаги қадимий Карвонсарой харобалари шу кунгача сақланиб қолган. Қўриқ қишлоғининг жанубида ҳам карвонлар қўниб, тунаб ўтган карвонсаройларнинг қолдиқлари ҳали ҳануз бор. Кейинчалик бу жой "Тошбўлнинг тўласи" деб аталган. У ерда чорвадорлар яшашган. Ушбу иккала қишлоқ ўтмиши эса Буюк Ипак йўли тарихига бориб тақалади. Бухоро савдогарлари икки тоғ оралиғидаги текисликда уловини тушовлаб, ўзи ўт-майсалар ичида юрган бир кимсани учратадилар. Карвонбоши унинг кимлиги билан қизиққанда, у исми Болта эканлиги ва касби табиб, уста, чавандоз ва овчилигини айтади. Шунда карвонбоши Бухоро амири Субҳонқулихоннинг яқин қариндош амалдорларидан бири узоқ вақтдан бери хаста эканлиги, унинг дардига даво топилмаётганини айтиб, уни ўша ерга олиб боради. Болта табибнинг саъй-ҳаракати билан амирнинг қариндоши даво топади. Амир Болта табибга Бухоронинг соф олтин тангаларини ҳадя қилаётганда, у ўзининг бошқа илтимоси борлигини айтиб, мақсадини қуйидагича баён қилади:

"...Бизлар асли ўзбекларнинг "қирқ" уруғиданмиз. Ота-боболаримиз ва уруғимизнинг анча қавмлари Янги қўрғондаги эски Аъламли қишлоғида яшаган (ҳозирги Ғаллаоролда), чунки Аъламлида яшовчилар коризликларнинг қавм-қариндоши бўлган. Бу жойларда аҳоли зич. Чорвачилик ва деҳқончилик учун у ерда яйловлар торлик қилиб қолди. Мана шу адирлардан иборат ҳудуднинг об-ҳавоси мўътадил. Агар муҳтарам амир ҳужжат қилиб, унга ўз муҳрларини босиб, ёнимга одам қўшиб юборса ва ўша киши маълум миқдорда ер ажратиб берса, бизлар эркин яшардик. Уруғдошларим билан ҳамиша солиқларни ўз вақтида тўлаб туришга ваъда бераман".

Шунда эни 20 километр, узунлиги 30 чақиримлик ерларни деҳқончилик ва чорвачилик учун Бухоро амирлиги унга вақф қилиб беради. Шундай қилиб, Оқтошгача бўлган Қорақудуқнинг бир қисми, Робот ерларининг бир қисми, Турк, Қоратош ва Жума қишлоқларининг яқинигача бўлган ерлар, шунингдек, Этак муҳри қишлоғининг жанубидаги Қипчоқ сув ерларининг бир қисми Болта табибга ҳадя қилинади. Қирқ уруғига тегишли бўлган аҳоли яъни коризқудуқликлар, муҳирликлар, қорақудуқликлар ҳисобланиб, улар ҳозиргача шу ерларда яшашмоқда.

Улар ердан жуда саёз чуқурлик қудуқ очиб, ичимлик суви чиқаришган. Кейинчалик кексалар билан маслаҳатлашиб, оралиғи яқин, узунасига қатор қудуқлар қазишади. Уларнинг ер ости сувлари лаҳм орқали ўзаро бирлаштирилиб, ер юзасига чиқади ва ўзани бўйлаб ғарб томонга ариқ бўлиб оқа бошлайди. Қудуқларнинг сувини ер остидан бир-бири билан улаб юзага чиқариш қадимдан "кориз" усули деб аталган. Шу тариқа аҳоли жойлашган қишлоқ ҳам Коризқудуқ деб номланган.

Бетакрор табиат қўйнида сайр қилар эканман, қандайдир сеҳрли маконда юргандек ўзимни ҳис қилдим. Кенг дала, узун йўл ва лалмикор ерлар борган сари мени ўзига жалб этарди.

Айни пайтда ҳудудда 70 га яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда 6 та қишлоқ Коризқудуқ ҚФЙга бирлашган. Аҳоли сони эса 5000 дан зиёд. Туман марказидан чамаси 69 километр масофа узоқликда асфальт йўл билан боғланган бўлиб, шарқдан Қўйтош, ғарбдан Ғўбдун тоғлари, шимолдан Жарбулоқ, жанубдан Лалмикор қўрғонлари билан чегарадошдир.

Қишлоқ – кўнгилга шу қадар яқин гўша...

Коризқудуқдаги адоқсиз йўллар, янги иморатлар, спорт мажмуалари кўзни қувонтиради. Қишлоқнинг далага яқин томонида жойлашган қудуқ ёнига бориб ҳайқирдим: "Салом, Коризқудуқ!". Ўз овозим жаранги бепоён тоғлар ортида акс садо берди. Ажойиб саёҳат ва мулоқотлардан кўнглим ёришиб уйга ошиқдим...

Азиз биродар, Жиззах томонларга йўлингиз тушса, бу масканни четлаб ўтманг. Зеро, айтганларимга ўзингиз гувоҳ бўласиз!..

**Маъмура ЁҚУБОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

Қашқадарё Вилояти











# Иш бошида устаси турса...

**Қарши олимпия захиралари коллежида ёшлар камолоти йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Буни бу ерда таълим-тарбия ишларининг намунали йўлга қўйилганлигида ҳам кўриш мумкин.**

— Ушбу илм масканида таълим олиб, катта ютуқларга эришяпмиз, — дейди коллеж ўқувчиси Дилафрўз Қандаҳарова. — 2011 йилнинг 24 ноябридан 2 декабригача Тошкентда бўлиб ўтган Осиё кубоги баҳсларида биринчи ўринни қўлга киритдим. Курсдошим Бибиойша Бўриева эса ушбу нуфузли мусобақада кумуш медаль соҳиби бўлди.

Дарвоқе, Қамаши туманилик бу қизлар кураш тушиб давраларни қиздирган полвонлар авлодидан. Дилафрўз Қандаҳарованинг бобоси Қандаҳар полвон, отаси Тўра полвон ҳам элда довруқ таратганлардан.

Коллеж ўқувчиларининг таэквондо спорт тури бўйича қўлга киритаётган ютуқлари ҳам салмоқли. Жумладан, 1-курс ўқувчиси Мадина Очилова 2011 йилнинг 25-27 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида аёллар ўртасида, курсдоши Шоҳбоз Сувонов эса ўғил болалар ўртасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Коллежда спортнинг қўл жанги турлари ҳам тараққий этаяпти. Бу соҳада бош мураббий Ботир Раҳмоновнинг хизмати катта бўлаяпти. Беш карра мамлакат чемпиони, халқаро турнир ғолиби Жаҳонгир Мансуров, бир неча марта Ўзбекистон биринчилиги ғолиби, халқаро турнирнинг кумуш медаль совриндори Фирдавс Расулов ҳамда Сардор Сатторовлар бугунги кунда мамлакатимизнинг энг олди спортчилари ҳисобланишади.

— Илм даргоҳимиз 2004 йилда ташкил этилган, — дейди коллеж директори Элбек Орипов. — Ҳозирда 16 та бўлим бўлиб, унда 549 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти. Ахборот-ресурс марказида 5789 та китобдан иборат фонд мавжуд, шунинг 2288 таси ўқув услубий қўлланмаларни ташкил этади. Информатика, кимё, физика хоналари мавжуд бўлиб, лабораториялар барча зарур ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Енгил атлетика манежи, сув спорти саройи, кураш, дзюдо, самбо каби спорт турлари билан шуғулланиш учун махсус гимламлар, тренажёр заллари ўқувчилар ихтиёрида. Бундан ташқари, 200 ўринли ётоқхона, 300 ўринли ошхона ҳам ёшлар хизматида.

2011 йилда коллеж ўқув бинолари ва спорт иншоотларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, сув ҳавзаси қайта таъмирланди. Сув ҳайдаш моторлари алмаштирилди, фильтрлар тозаланди. Ювиниш хоналари сифатли таъмирдан чиқарилди. Сауна ва қўшимча тренажёр зали қурилди. Иситиш тизими яхшиланди. Спорт манежи, ўқувчилар турар-жойи тўлиқ таъмирланди. Бу борада "Шўртаннефтгаз" ҳамда "Муборакнефтгаз" унитар шуъба корхонаси ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

Хуллас, ҳукуматимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлиги шарофати билан таълим даргоҳимизда ёшлар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Бу эса ўқувчиларнинг билим олиш билан бирга вилоят, республика, ҳатто халқаро мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритишларида асосий омил бўлаяпти.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Муродулла КОМИЛОВ*
*олган суратлар.*

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2012 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**1. "Ширин шаҳар коммунал ва энергетика касб-ҳунар коллежини мукаммал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан: 689 757 222 сўм. ҚҚСсиз 574 797 685 сўм.

**Қурилиш муддати:** 165 кун.

**2. "Гулистон шаҳар қурилиш коллежини мукаммал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан: 294 875 814 сўм. ҚҚСсиз 245 729 845 сўм.

**Қурилиш муддати:** 120 кун

**3. "Сардоба туманидаги 1-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш".**

**Бошланғич нархи:** ҚҚС билан: 201 714 781 сўм. ҚҚСсиз 168 095 651 сўм.

**Қурилиш муддати:** 120 кун.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларини таъминлаш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар М.Ахтамова кўчаси 30-уй. Тел.: 8 (367) 227-63-86.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февраль ПП-1475 сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари, фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел. (факс): (8 367) 227-64-42.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.











# «УЙҚУЧИЛИККА ҚАРШИМИЗ»

## гуруҳи фаолияти ҳақида

Эшитдингизми, йўқми шаҳримизда кўнгиллилар гуруҳи ташкил қилинганига анча бўлди. Гуруҳнинг бош шиори: "Уйқучиликка қаршимиз!" Иш вақти соат $6^{00}$ дан бошланади. Бу вақтда сут сотувчи аёллар бизларни ищдан кеч қолмаслигимизнинг ғамини еб, бор овозда "Сут келди" деб бақириб уйғотишади.

Гуруҳга хотин-қизлар билан бирга эркаклар ҳам аъзо бўлишган. Сутчи аёллар эрталаб чамаси соат $9^{00}$ ларда эркакларга ўз ўринларини бўшатиб беришади. Бу пайтда эркаклар дўриллаган овозлари билан "Старый веши покупаем" дея уйларни зириллатишади. Ахир бу вақтда ҳам қулоғига пахта тиқиб ухловчилар анчагина-да. Гуруҳ эса бу ҳолатга тамоман қарши. Эркаклар товушидан "зилзила бўлдимикин?", деган хавотирда қолган уйқучилар ҳам уйғонади.

Соат 11 ларда супургичи амакиларимиз ўз маҳсулотларини реклама қилгани жойларини эгаллашади. Кўчада беҳуда гап сотаётган аёлларга "Бекор тургандан кўра, кўчангни супур" дея супургиларини тавсия қилишади.

Ҳеч бўлмаса тушлик пайти озгина мизғиб олай, дегувчиларимиз ҳам йўқ эмас. Аммо гуруҳ аъзолари бу вақтни ҳам қўлдан бой беришмайди. Кетма-кет машина сигналини босиб, тушки уйқуга барҳам беришади. Ахир картошка, пиёз, помидор келган пайтда ухлаб бўларканми? Ундан кўра сабзавотлардан харид қилиб, ширин овқатингни қил.

Ҳа, энди дам олсам бўлар. Соат ҳам иккидан ошди. Бу вақтда ҳеч ким безовта қилмас, деган ўйда энди ёстиғингизни қучоқлашингиз билан карнайда ўрис хотин "Заплатите за горячую и холодную воду" деб қолса ҳечам сиқилманг. Ахир улар, биринчидан, оғирингизни енгил қилиб ўз оёқлари билан келиб тўловларни уйингиздан олиб кетишади. Иккинчидан, кунингизни беҳуда уйқуга сарфлашингизнинг олдини олишади.

Соат 16 дан 20 гача ҳам ухлашга уринманг. Гуруҳ фаоллари бу пайтда чинни буюмлар, қовун, тарвуз, кийим-кечаклар сотиб келиши аниқ.

Агар бу вазиятлардан чарчаган бўлсангиз, 4 қават девор қуриб, овоз ўтказмайдиган махсус деразалардан фойдаланинг.

Нима бўлганда ҳам тунда тинчгина ухларман, дерсиз. Яқин кунларда туннинг ярмида эшик тугмаси жиринглаб "Парфюмерия сотамиз" деб келиб қолишса, ҳечам ажабланманг. Ахир кўп уйқу кони зарар...

**Нилуфар САПАЕВА**



# ЧАВАНДОЗ

**Кўкраги кенг, қулоқлари узун қашқа саман ҳозир анчайин ювош. Бир пайтлар у жуда асов эди. Танаси, ёллари офтоб нурида товланарди. Уни Шерали полвоннинг ўзи "минги қилган" – қўлга ўргатган. Дастлаб миниб тангалар солинган тугунчани ердан олишни машқ қилди. Кейин тўсиқлардан, жар ва ариқлардан ўтиш, эгар қошига юк ўнгариш билан шуғулланди. Той ҳам, ўзи ҳам улоққа тайёр бўлгандек эди.**

"Энди бемалол чавандозлар билан тенгма-тенг беллашаман", дея ўйлай бошлаган кезлари яна бир нарсани англаб қолди: чавандоз учун кучнинг ўзи кифоя қилмайди, у улоқ чопишнинг ҳадисини обдон эгаллаши, улоқни тақимга олгач, тўдадан чиқиб кетиш йўлларини ҳам билиш керак.

Баҳор келиб Бахмалнинг қорли тоғ оралиқлари чаманзорга буркана бошлаган кезларда Шерали полвон ҳар саҳар тулпорини етаклаганича яйлов томон ошиқарди. Ой ёруғида у отнинг ўт чимдиши, бошини баланд кўтариб кишнаши ва депсинишидан завқланарди. Тонги салқин насимдан жунжикиб от жабдуғини ёпинганича қуёш чиқишини кузатарди.

Ҳавасу меҳр билан парваришланган қашқа саман ниҳоятда чиройли бўлиб вояга етди. Узангисига унча-мунча чавандознинг оёғи етмас, олдидан чиққан жарлик ва тўсиқларни писанд қилмас, узоқ-яқин қишлоқларда бўладиган кўпкарилар усиз ўтмас, ҳар даврадан солимсиз қайтмас эди.

Ҳосил йиғиб олингач, тўйлар бошланди. Бахмалда тўйлар кўпкарисиз — улоқсиз ўтмайди. Ана шунда полвон отини улоққа солди. Полвоннинг эгнидаги чакмон ҳавода ҳилпирарди. От устида ўзини қушдек енгил ҳис этиб, ортиқча ҳаракат қилмас, нигоҳини тўдадаги отларга қаратганди.

Бир пайт унинг олдини найдай тикка бўйинли отлар галаси тўса бошлади. Отнинг қони қизиди, жунбушга келди. Жонивор жон-жаҳди билан тўдани ёриб кирди. Шиддатидан отларнинг бир қисми чекинди. Шунда Шерали полвон улоқни энгашиб олди, "ҳоюҳай" дея наъра тортди. Саман олдга интилди. Улоқни тўдадан айириб чиқди.

— ...Улоқ саманда кетди, Шерали полвоннинг зоти ҳалол!!! – баковулнинг ҳайқириғи янгради.

Шерали полвон шаънига олқишлар ёғилди. Бундай сурурни ҳар қандай чавандоз орзу қилади.

**Абдулла САИДОВ**

▼ Қишлоқ ҳангомалари

# Ҳаёт қизиқ. Айниқса, ҳазил-ҳузулию ҳангомаси билан.



### СОДДА КЕЛИНИМ-А

Абдураҳим хотини Муқаддас билан севишиб турмуш қурган. Улар ёшликдан бирга ўсиб, бир синфда ўқиб, ҳар доим ҳазиллашиб келишган. Буни қарангки, оиладаги ўғил-қизлари ҳам дадаси билан ойиларининг ҳазилларига кўникиб кетишган. Бироқ...

Абдураҳим ака билан Муқаддас опа катта ўғилларини уйлантиргач, келинчакдан тортинибми, анчагача ҳазиллашишмади. Бир куни Муқаддас опа онасини кўриб келиш учун йўлга отланаётганини кўрган Абдураҳим аканинг шумлиги тутиб, ҳовлини супураётган келинига:

— Гулнорахон, ойингиз кўринмайдими, — деди.

— Ҳозиргина кийиниб, бувижонимни кўришга кетяпман, деб дарвозадан чиққан эдилар.

— Шундайми? Ундай бўлса, ҳов анави бурчакда ётган супургини олиб чиқинг-да, қўлларига бериб, дадажоним айтдилар, шуни олиб, тезда учиб бориб келар экансиз, деб айтинг, — дея кулганча боғ томонга ўтиб кетди.

Келин бир елка қисиб, қўлига катта супургини олиб, қайнонасининг кетидан кўчага чиқди.

— Ойижон, дадамлар мана бу супургини ойижонингизга беринг-да, бувижонни тезда учиб бориб кўриб қайтсинлар дедилар, — деб келин супургини қайнонасининг қўлига тутқазди.

Эрининг ҳазилини тушунган Муқаддас қаҳ-қаҳ кулганича супургини келинининг қўлидан олиб:

— Ҳаҳ, содда келиним-а, дадангизнинг ҳазилини тушунмабсиз-да, — дея ҳовлига кириб, эрига кўзи тушди. Бу пайтда Абдураҳим ака кулищдан ичи узилиб кетгудек, букчайиб қолганди.

### ЭСКИ-ТУСКИЛАР СОТИЛАДИ

Бугунги кунда ким кўп — тадбиркор кўп. Тадбиркорликнинг ҳам йўлйўриқлари кўп. Бирови йўқдан бор қилса, бирови эскиларни қайта ишлаб янги маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Азалдан маълумки, лўлилар эски-тускиларни йиғиб-териб ёки арзонгаровга сотиб олиб, қайта ишловчи корхоналарга қимматроқ нарҳда пуллайди.

Ниёзбошда нима кўп, иссиқхона кўп. Ҳозирги полиэтилен плёнкалар бир йилга аранг чидайди. Шунинг учун бир йил фойдаланилган плёнкаларни лўлилар арзон нарҳда харид қилиб, қимматроқ нарҳда қайта ишловчи корхоналарга ўтказадилар.

Бир куни Абдураҳим ака кўча эшиги олдидаги ўриндиқда ўтирган эди, иккита лўли келиб қолди.

— Ока, эски-тускилардан борме?

— Қанақаси керак?

— Эски плёнкаме, аккумуляторме, бизга фарке йўқ.

— Шундайми, — деди Абдураҳим ака дарвозани очиб ҳовлига қаради.

Ҳовлида хотини Муқаддас опа нима билан дир машғул эди.

— Бача, йигирма беш йиллиги ҳам бўладими? — сўради Абдураҳим ака.

— Бўладе, ака, бўладе, — деди лўлилардан бири.

Шунда Абдураҳим ака хотинига қараб:

— Хотин, бу ёққа чиқ, сенга харидор келди, — деб бақирди.

Ичкаридан Муқаддас опанинг:

— Ҳозир, дадаси, ҳозир, — дегани эшитилди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Муқаддас опа шошганича уларнинг олдига чиқди.

— Нима гап, тинчликми, дадаси?

— Тинчлик, мана булар эски-туски нарсалар харид қиламиз, деганига, сени чақирган эдим, — деди Абдураҳим ака.

Бу гапни эшитган икки лўли бола қаҳ-қаҳ уриб кулганича ерга думалади.

Муқаддас опа эрининг яна бир бор ҳазил қилаётганини тушунди, "бор бўлинг, дадаси", деганича қўл силтаб уйга кириб кетди.

### ДОДАНИНГ АЙТГАНИ...

Абдуманноб акамиз аҳолига хизмат кўрсатувчи маршрутли таксиларга бригадирлик қилади. Уларнинг йўналишидаги аксарият ҳайдовчилар ёшлардан иборат. Маълумки, ҳозирги ёшлар тажанг, тезоб. Шундай бўлгач, ўз навбатида, бригадир ҳайдовчиларга тез-тез насиҳат қилиб туради.

Бир куни денг шу йўналищда қатновчи "Дамас" ҳайдовчиси Алишерни йўлда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими тўхтатиб, нималарнидир тушунтирар, у эса милиция ходими билан тортишарди. Бу ҳолни кўрган Абдуманноб ака машинасини тўхтатиб, уларнинг олдига борди:

— Ҳорманглар, нима гап, тинчликми ўзи?

— Кўрмайсизми, дода, бу ёшлар на қоидани, на гапни тушунади, — деди ходим.

— Айби нима экан?

— Машинага ортиқча йўловчи олибди, жаримага тортяпман.

— Ука, ҳозиргина менга дода деб мурожаат қилдингизми, — дея Абдуманноб ака гапни ҳазилга буриб, ўртадаги вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди.

— Ҳа.

— Ҳеч вақт фарзанд ўз отасининг гапини икки қилганми?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, гапимга қулоқ солинг-да, ўз укангизга тўғри насиҳат қилиб, ҳужжатларини қайтариб бериб, оқ йўл тиланг.

Бу гапни кутмаган ходим нима дейишни билмай бироз гангиб турдида, кулиб юбориб:

— Дода, сизнинг айтганингиз бўлсин, — деб ҳайдовчининг ҳужжатларини қўлига бериб, оқ йўл тилаб, жўнатиб юборди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**

# «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ҳокимининг 2011 йил 17 августдаги Х-363/08-сонли ва 2011 йил 14 сентябрдаги Х-397/9-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такроран қўйилмоқда:**

**1.** Савдо дўкони қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 75,6 кв.м. ер майдони 75,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 389 414 сўм.

**2.** Савдо дўкони қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 75,6 кв.м. ер майдони 75,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 389 414 сўм.

**3.** Савдо дўкони қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 75,6 кв.м. ер майдони 75,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 389 414 сўм.

**4.** Савдо дўкони қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 24,6 кв.м. ер майдони 24,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 291 731 сўм.

**5.** Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 24,6 кв.м. ер майдони 24,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 291 731 сўм.

**6.** Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 24,6 кв.м. ер майдони 24,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 291 731 сўм.

**7.** Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 24,6 кв.м. ер майдони 24,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 291 731 сўм.

**8.** Дорихона биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 24,6 кв.м. ер майдони 24,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 291 731 сўм.

**9.** Пайнет хизмати кўрсатиш биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 24,6 кв.м. ер майдони 24,6 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 291 731 сўм.

**10.** Кафе биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 48,0 кв.м. ер майдони 48,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 291 731 сўм.

**11.** Пишириқ цехи биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 30,0 кв.м. ер майдони 30,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 389 414 сўм.

**12.** Тўйхона биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 636 кв.м. ер участкаси майдони 1404 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 726 132 сўм.

**13.** Тикувчилик цехи биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 108 кв.м. ер участкаси майдони 162 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 322 746 сўм.

**14.** Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 48 кв.м. ер участкаси майдони 72 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 244 776 сўм.

**15.** Гўзаллик салони биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 48 кв.м. ер участкаси майдони 72 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 244 776 сўм.

**16.** Савдо дўкони қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 36 кв.м. ер участкаси майдони 54 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 240 582 сўм.

**17.** Интернет кафе биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 36 кв.м. ер участкаси майдони 54 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 240 582 сўм.

**18.** Дорихона биноси қуриш учун, Миришкор тумани, Янги Миришкор шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, 1 дона, қурилиш майдони 120 кв.м. ер участкаси майдони 252 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 343 716 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Миришкор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил 20 январгача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 19 январь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Миришкор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 20 январь куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 20 январь куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш хуқуқи 2012 йил 20 январдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 6 февраль куни соат 11-00 да, 2012 йилнинг 21 февраль куни соат 11-00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 3 февраль куни соат 18-00 да ҳамда 2012 йил 20 февраль куни соат 18-00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Миришкор тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 6 февраль куни соат 11-00 да очилади, 2012 йил 6 февраль куни соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади ҳамда 2012 йил 21 февраль куни соат 11-00 да очилади, 2012 йил 21 февраль куни соат 16-00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали.

**Танлов ташкилотчисининг манзили:** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй, "Qashqadaryo mulk markazi" МЧЖ биноси. **Телефон/факс:** (8-375) 225-44-58, **электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия:** RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотека" банк Қашқадарё вилояти филиали, х/р: 20208000004920609009, МФО 00190, СТИР 207122519

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, М.Абдуллаева кўчаси, 20-уй, "Qashqadaryo mulk markazi" МЧЖ биноси.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз: (+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади. Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

---

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

# СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА ИНЖИНИРИНГОВОЙ КОМПАНИИ ХОКИМИЯТА БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ:

**ЛОТ-1**

**ЛОТ 1-1. "Реконструкция здания призывного пункта на территории отдела по делам обороны в городе Кагане Каганского района".**

**Стартовая цена заказчика:** 770,0 млн. сум (с НДС), 641,7 млн. сум (без НДС).

**Срок завершения строительства** 1 сентября 2012 года.

**ЛОТ 1-2. "Реконструкция здания призывного пункта на территории отдела по делам обороны в городе Гиждуване Гиждуванского района".**

**Стартовая цена заказчика:** 736,0 млн. сум (с НДС), 613,3 млн. сум (без НДС).

**Срок завершения строительства** 1 сентября 2012 года.

**ЛОТ-2**

**ЛОТ 2-1. "Реконструкция здания призывного пункта на территории отдела по делам обороны в городе Жондоре Жондорского района".**

**Стартовая цена заказчика:** 750,0 млн. сум (с НДС), 625,0 млн. сум (без НДС).

**Срок завершения строительства** 1 сентября 2012 года.

**ЛОТ 2-2. "Реконструкция здания призывного пункта на территории отдела по делам обороны в городе Шафиркане Шафирканского района".**

**Стартовая цена заказчика:** 825,0 млн. сум (с НДС), 687,5 млн. сум (без НДС).

**Срок завершения строительства** 1 сентября 2012 года.

**Финансирование будет осуществляться** за счет средств Государственного бюджета.

**Организатор торгов** — Бухарский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве.

**Заказчик:** Служба единого заказчика инжиниринговой компании хокимията Бухарской области.

**Адрес заказчика:** г.Бухара, проспект Навои-5. Телефон/факс: (8-365) 223-63-23.

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:** иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по ардресу **г.Бухара, проспект Навои-5, 2 этаж, 18 кабинет. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.**

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — **Сто тысяч сум.**

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоятся по истечении 30 дней после публикации объявления по адресу: **г.Бухара, проспект Навои-5, 2 этаж, 18 кабинет.**

# БАЛИҚНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ



**Балиқ тўйимлилиги ва таъми билан бошқа гўштдан қолишмайди, аммо ҳазм бўлиши жиҳатидан гўштдан устун туради. Балиқдан тайёрланган овқатлар, айниқса, балиқ шўрва меъда ширасини гўштга нисбатан кўпроқ ишлаб чиқаради. Таркибида оқсил моддалар кўп бўлганлиги билан қадрланади.**

Балиқ оқсил моддалари таркибида 20 та аминокислота бўлиб, шундан 8 таси лизин, метионин, триптофан, валин, лейцин, изолейцин, треонин ва фенилаланин инсон организми учун жуда керакли. Ноёб аминокислоталар киши организмида синтезланмайди ва муайян нисбатда овқат билан биргаликда истеъмол қилиниши лозим. Овқат таркибида юқоридаги аминокислоталарнинг биронтаси етишмаса, киши саломатлигига путур етади. Ҳатто ўсимликлардан тайёрланган овқат таркибида 3 аминокислота: лизин, метионин ва триптофан етишмайди. Балиқда эса аминокислоталар кўп миқдорда бўлади.

Шунингдек, балиқ таркибида ёғлар, турли хил витаминлар бор. Балиқ ёғи сут эмизувчи ҳайвонлар ёғидан фарқли равишда, суюқ бўлади. Чунки бу ёғ кислоталарга жуда бой. Ёғ кислоталари киши организмида модда алмашинуви жараёнида муҳим роль ўйнайди. Овқатда ёғ кислоталарининг етишмаслиги натижасида холестерин моддасининг алмашинув жараёни бузилиб, атеросклероз касаллигини келтириб чиқаради. Аксарият балиқлар ёғи таркибида A ва D витаминлари бўлади.

Денгиз балиқлари гўштида минерал моддалар чучук сувда яшайдиган балиқларникига нисбатан кўпроқ бўлади. Шу сабабли, айрим балиқлардан ўзига хос ёқимли денгиз иси келиб туради, қолганларидан йод ҳиди келади ёки ёқимли нордон маза беради.



Балиқларни турли тарзда истеъмол қилиш мумкин. Музлатиб, чала музлатиб, тузлаб, қайнатиб ёки қовурган ҳолда ейилади. Сифатли балиқнинг ойқулоқлари қизил, кўзлари оч ранг, бўртиб чиққан, териси табиий рангда бўлади. Музлатилган балиқни уй музлаткичида 2-3 кундан ортиқ вақт сақлаш тавсия этилмайди.

Қуритилган балиқ баҳор ёки кузда ёғли ва ўртача ёғли балиқлардан тайёрланади. Бундай балиқ тез етилади. Бу маҳсулотни ҳеч қандай ишлов бермай истеъмол қилиш мумкин.

Уй шароитида фақат яхши сифатли балиқларнигина тузлаш мумкин. Айний бошлаган балиқ сифатини тузлаш ёрдамида яхшилаб бўлмайди. Балиқ қанчалик семиз бўлса, шунчалик узоқ вақт тузланади. Туз балиқнинг ёғ тўқималарига секин ўтади. Тузланиш 3-6 кун давом этади. Агар тузланган балиқ ёғли бўлса, уни намокобга ботирилган ҳолда сақлаш керак.

Балиқ ёғи – треска оиласига мансуб балиқлар жигаридан олинади. Ёғ сарғиш ва тиниқ суюқлик бўлиб, балиқ ҳиди ва мазаси бор. Таркибида ёғ кислоталари, холестерин, фосфатидлар, A ва D витамини бор. Тиббиётда ва чорвачиликда кенг қўлланилади. Балиқ ёғи рахит, шабкўрликнинг олдини олиш ва даволашда, суяк синганда битишини тезлаштириш учун ишлатилади. Ҳомиладорлар, эмизикли аёллар, 2-3 ойлик болаларга ҳам бериш тавсия этилади. Фақат ёз ойида балиқ ёғини истеъмол қилиш мумкин эмас.

Жароҳат, яра-чақа ва куйган жойларни даволашда сиртдан ишлатилади. Балиқ ёғи қоронғи ва салқин жойда, оғзи берк идишларда сақланади. Чунки ёруғда ёғдаги D витамини бузилиб, заҳарли бўлиб қолиши ёки фойдали жиҳати йўқолиши мумкин. Балиқ ёғини фақат шифокор кўрсатмаси билангина қабул қилиш керак.

Парҳез таом ҳисобланган балиқларни доимий истеъмол қилиб юриш кони фойда эканлигини унутманг. Шифокорларнинг таъкидлашича, юрак қон-томир тизими ва мия фаолиятининг меъёрида ишлаши учун балиқ ёғи таркибида бўлган моддаларнинг аҳамияти беҳисоб. Соғлом киши бир йилда камида 4-5 килограмм балиқ гўшти ейиши зарур. Оилавий балиқхўрлик эса ҳар томонлама фойдали.

**Нилуфар САПАЕВА**

## Латифалар



*Икки футбол фанати суҳбатлашмоқда. Биринчиси:*

*— «Спартак» ҳар гал «Зенит»га гол урганида менинг кучугим сальто қилади.*

*— Зўр-ку! Қайси тарафга қараб сальто қилади — ўнггами ёки чапга?*

*— Бу энди кучугимни қайси тарафга қараб тепишимга боғлиқ...*

*Бир дўкондор дўстига ёрилибди:*

*— Биласан, дўстим, дўконим кичкинагина. Ўнг ёнимдан ҳам, чап ёнимдан ҳам иккита улкан супермаркет очилди. Савдо ўляпти, нима қилай?!*

*— Ташвишланма! Эшигинг устига улкан ҳарфларда «КИРИШ» деб ёзиб қўй!*




(9 январь – 15 январь)



**ҚЎЙ (21.03 – 20.04)**

Яхшигина даромад кўриш учун қулай ҳафта. Фикрларингизни бошқалар ҳам қўллаб-қувватлаши учун барча имкониятларингизни ишга солишингизга тўғри келади. Хато қилишдан ҳеч ким суғурталанмаган.

**БУЗОҚ (21.04 – 20.05)**



Ҳар томондан ўзингизга бўлаётган кучли босимни ҳис қиласиз. Аммо бу синовлардан жуда омадли ўтиб оласиз ҳамда нималарга қодирлигингизни барчага исботлайсиз. Соғлиғингизга асло беэътибор бўлманг.



**ЭГИЗАКЛАР (21.05 – 21.06)**

Ишда юз берадиган турли катта-кичик муаммоларни кўнгилдагидек ҳал этасиз. Бу эса ўзингизга бўлган ишончнинг ортишига сабаб бўлади. Ҳамкасбларингиз орасида ҳурмат қозонасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 – 22.07)**



Керагидан ортиқ фаол бўлиш ҳам иш унумига салбий таъсир қилиши мумкин. Дўстларингиз, ҳамкасбларингиз билан ҳазиллашмоқчи бўлсангиз, иложи борича меъёрдан ошмасликка ҳаракат қилинг.



**АРСЛОН (23.07 – 23.08)**

Ҳафта давомида кўтаринки кайфият ҳамроҳингиз бўлади. Бу ҳолат эса ҳам фаолиятингизда, ҳам шахсий ҳаётингиз[illegible] акс этмай қолмайди. Муваффақиятга эришишнинг асосий омили тинимсиз меҳнат қилишдадир.

**ПАРИЗОД (24.08 – 23.09)**



Меҳнатсеварлик ва ишга чанқоқлик кўпгина муаммоларни ҳал этишда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Дам олиш кунларини оилангиз, яқинларингиз билан бирга ўтказишга ҳаракат қилинг.



**ТАРОЗИ (24.09 – 23.10)**

Кўзлаган мақсадингизга эришиш учун аниқ режалар тузинг. Чунки бошлаётган ишингиз яхшигина чиқимни талаб қилади. Тажрибали инсонлар маслаҳатига таяниб иш қилсангиз, асло қоқилмайсиз.

**ЧАЁН (24.10 – 22.11)**



Ҳафта давомида фойдали шартномалар тузиб, моддий аҳволингиз анчагина яхшиланади. Бу эса кўпдан буён сизни беҳаловат қилиб турган қарзлардан қутулишингизга қулай имконият яратиши мумкин.



**ЎҚОТАР (23.11 – 21.12)**

Иш юзасидан ўзингиз режалаштирмаган сафарга отланишингиз эҳтимоли юқори. Аммо бундан кўп ҳам саросимага тушманг. Чунки шу сабаб фаолиятингизда маълум бир ютуққа эришишингиз кутилмоқда.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 – 20.01)**



Бир оз ишдан чалғиб, соғлиғингизга ҳам эътибор қаратинг. Кўп харажат талаб қиладиган айрим юмушларни узоқроқ муддатга кўчирганингиз маъқул. Дам олиш кунларини табиат қўйнида ўтказинг.



**ҚОВҒА (21.01 – 20.02)**

Сизни асабийлаштириши мумкин бўлган ҳар хил баҳс-мунозаралардан узоқроқ бўлинг. Ижодкорлар учун ички сезгига қулоқ солиш жуда муҳим. Ўзингизни ҳам руҳан, ҳам жисмонан тетик сезасиз.

**БАЛИҚ (21.02 – 20.03)**



Уй ишларига ўралашиб, кўп вақтингиз беҳуда ўтгандек туюлади. Аммо шуни билингки, сабабсиз оқибат бўлмайди. Ҳушёрликни қўлдан бой берманг. Спорт билан шуғулланиш соғлиғингиз учун кони фойда.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Агитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58, 743-03-45; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Навоий – (8-436) 221-69-08; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: С.ҚОДИРОВ

Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ

Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-114, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 20.30

23082 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5